


№ 503241

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ
КОРХОНАСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА
БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

Ш А Р Т Н О М А С И

№ 15603516

Наманган ви. ток қабуллар
ўчи қоб. кор.

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тadbиркор истеъмолчилар учун
ШАРТНОМА

2022 йил 11-09

15603516-сон

Давлатобод тумани
(шартнома тузилган манзил)

"Наманган ҲЭТК" акциядорлик жамияти "ишончнома" асосида фаолият юритувчи
раҳбари Э.Валиханов (кейинги ўринларда)
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

"Корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи
Наманган вилояти Хокимлиги Кабуллар уйи Давлат корхонаси
(“Истеъмолчи”нинг номи)

раҳбари Ф.Сайфутдинов (кейинги ўринларда
(“Истеъмолчи” раҳбарининг Ф.И.Ш.)

“Истеъмолчи” деб аталади), ҳисоб рақами - 15603516
томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади)
музоф Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда -
энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол
қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 135000 кВт.с. реактив кВт.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи

60750000 сўмни, тариф(лар) бўйича 450

тариф тури: таъминоти билан, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-5379 нис. рўйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим
қўрсатилган истеъмолчилар учун (серакиси бўлган)

ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми
ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори
Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари
аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини
ҳисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа
приборлари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан
ўрнатилган, Корхона томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилган, плөмбланади
ва рўйхатдан ўтказилади.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сонли қарорининг шартларига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари шартномаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган насос станциялари бундан мустасно) Энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярым тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф

бўйича:

тигиз пайт – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда шартнома шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмайдиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланмайдиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Турли хил тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи битта электр таъминоти билан электр билан таъминланганда, ҳисобга олиш приборлари ҳар бир тариф гуруҳи учун алоҳида ўрнатилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 3-илоҳасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “__1__” санасигача Корхонага ва Бюрога тақдим этади.

Бунда, уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган тўловларни тебикалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик хажмидан ташқари ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия хажмлари алохида кўрсатилиши шарт.

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Корхона уларнинг кучга келганидан камида ўн беш кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр энергияси шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва Корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан баҳралиқда ҳисобга олинади.

3.8. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога муружаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлик қўшимча бўлган чоралар кўрилади.

3.9. Истеъмолчи уланган кувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида белгиланган амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия белгилари форматда мукофот олиш имконини берадиган таксимлаш платформасини тебикалаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди. (Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарорнинг амал қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради)

3.10. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш кун ичида тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф сарфлаган ҳажми кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли қарорига мувофиқ Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини электрон ҳисоббарак-фактура шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича масъуллик чегараси далолатномаси ва [redacted]нинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан [redacted]да ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ [redacted]номада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори кувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб [redacted].

3.12. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада [redacted] мuddатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада [redacted] этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр [redacted] тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг [redacted] ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Биро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширади.

3.13. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдидан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва [redacted] энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.14. Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов мuddати ўтган деб [redacted] ва тўлов мuddати ўтган ҳар бир кун тўлов мuddати ўтган сумманинг 0,1 фоизи [redacted], электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса [redacted] миқдоридан пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори, мuddати ўтган тўловларнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.14. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдоридан 5 [redacted] ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада [redacted] миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жами ҳажми учун [redacted] тарифнинг 1,15 баравари миқдоридан тўлов ундирилади.

3.15. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.16. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган [redacted] учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Биро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига ҳисобга олиш [redacted] кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

электр тармоқларига нақонуний уланиш, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Энергияни ҳисобга олиш приборларини қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда.

3.17. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.18. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати баргараф этилиб, мавжуд қарорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорда тўлов қилингандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.19. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича Энергиянинг умумий ҳажмидан олинмаган энергияга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.20. Энергия учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолатларда маиший (аҳоли) истеъмолчилари учун белгиланган тарифга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик қўриғида”ги ЎРҚ-327-сонли қонунга мувофиқ “Оилавий қорхона турар жойдан бир нафар киши ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, Истеъмолчи Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича тўловни амалга ошириди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин қўриғидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда қўриқчиларни қўмақ ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги 364-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 325-сонли Фармойишига кўра ҳудуддаги диний ташкилотлар Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича ҳақ тўлайдилар.

3.21. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори қуйидаги текширувлардан ўтказилади:

- а) даврий қиёслаш-ушбу турдаги ҳисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш муддати тугаганда;

- б) навбатдан ташқари қиёслаш –ҳисобга олиш приборига зарар етказилганда, пломбаси бузилганда, қайта дастурлаш зарурияти юзага келганда;

- в) эксперт қиёслаш-ҳисобга олиш приборининг созлиги, унинг фойдаланишга қўриқчилиги, шунингдек, метрологик хусусиятларининг норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши бўйича низоли масалалар юзага келганда.

3.22. Энергияни ҳисобга олиш приборларини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сонли қарори билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборини даврий қиёслаш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи ҳисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиғи тўрт ойга таъин қилинади.

3.23. Навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Бюро ташаббуси билан ёки бошқа таъин қилинган орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматларини Бюро Қорхона томонидан тўланади.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ, белгиланган тартибда улаш;
сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари туғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши туғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (хат ёки ой тугагунгача) Корхона ва Бюрога тақдим этиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган энергия белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қопланишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур таъмир-ҳизмат келтиришни сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда таъмир-ҳизмат келтириш техникаси қондаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр тармоқларининг носозлиги туғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилонга фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Бюро ва "Ўзэнергоинспекцияси" кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қондалари талабларини бажариш;

Бюро ва Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошлангичидан қаида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага бажарилаётган маълумот бериш;

қалғуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан қуйидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур:

Истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юклагани давларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юклаганининг ўтиш даврида актив энергия сарфининг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Бундан ташқари, уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар қўлдан келтирилганга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун Энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш-ушунга ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (барқарорлиги) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, Энергиянинг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва барқараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

маҳсулот даяр учун Энергияга бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия қўлдан келтирилишини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш тартибларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва Энергия сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва Энергияни тежашни ҳисобга олган ҳолда) Энергиянинг бир йил ва маҳсулот даяр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига Энергия сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиниши ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш; Энергияни тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида қўлдан келтирилган талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан қўлдан келтирилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш; шартнома режимида, Бюрони хабардор қилган ҳолда, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНҲАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ қўйиш қўрилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ қўйишдан электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Маъжур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин қўлга келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича маҳсулоти бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш; ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги қўлдан келтирилганга носозликларни барқараф қилиш;

электр ҳужалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узиллишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда оқибатда назар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бўлиқлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муҳлатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган ҳолларда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва таъмирлаш кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб берилган.

Бирокта конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари билан белгиланган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, қудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси ҳисобида қаввали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилгани учун;

қатори манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тавдир частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб берилган бироктадаги танаффуслар учун;

қатори энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган зарарлардан олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа қурилмалар ҳисобига содир бўлиб, энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келганда; оқимий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт ва қўшимча тармоқлар) орқали электр энергияси етказиб беришдаги узиллишлар тўғрисида хабар ва хабарлар берилганда.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки етказиб бўлмайдиган табиий офатлар ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (қатори-мажбур) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

6.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва шартнома музокара ўтказиш орқали хал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали хал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибидан хал қилинади.

VI. Яқуний қоидалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 Декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди, ва кейинги ойдан кучга киряди.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида қилинган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилади. Шартноманинг қилинган унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонлардан бирининг ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, қилган томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш ҳақиқатда хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Шартнома лойиҳаси талабларида назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ҳамда Бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Истеъмолчи: Наманган вилояти Хокимлиги Кабуллар уйи Давлат корхонаси

Юридик манзили Наманган шаҳар Давлатобод туман Файзли кучаси 1 уй

Почта манзили Наманган шаҳар Давлатобод туман Файзли кучаси 1 уй

Ҳисоб рақами 23402000300100001010

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 207157252

Истеъмолчининг юридик манзили бўйича Кадастр рақами

16/20202010051

Маҳалла номи _____

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун

Бюджет фондининг ҳисоб рақами 100021860144017013902018004

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 207157252

Бюджет фондининг ҳисоб рақами _____

Банк коди (МФО) 00014 _____

(ИНН) 207157252

Телефонлар: 69 232-80-49 _____

Факс: _____

(*Истеъмолчи" телефон рақамлари, шу жумладан унинг рақабрини уқли телефонни кўрсатилди)

Статистик кодлар:

ОКСЗ 30320
СОГУ 1714401
ОБАТО 113
ИЭС 2100
ИДПО 24040323
ОКТО

Корхона: "Давлатобод" ТЭТК

Хисоб рақами 22636000000510058382

Банк коди (МФО) 00224 (ИНН) 200048685

Телефонлар: (69)232-46-05 Факс: _____

Статистик кодлар:

СОГУ 01013

ОБАТО 1714401

Корхона вакили
Э.Валиханов

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Истеъмолчи
Ф.Сайфутдинов

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

ЮРИДИК ХУЛОСА:

Мақкур электр таъминоти шартномаси Давлатобод ЭТК номи Ш. Исмоилов юрисконсулт Ш. Исмоилов Ф.И.О.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" талабларига мувофиқ тузилган. Шартнома мазмуни (шарти, томонлар жавобгарлигининг меъёри ва низоларни ҳал қилиш тартиби) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси" қирғиздаги қонун талабларига мос келади.

28 Юрисконсулт. (Имзоси)

электр таъминоти

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи II
2. Фаолият тури ФНДЭНДТ
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 60 кВА(кВт)
4. Техник шарт бўйича руҳсат берилган қувват 100 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) III
6. Ҳисоб-китоб тури: 1 с/қўбқош

тариф тури табақалаштирилган, бир ставкали еки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг руйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи ҳамда Ўз.Р.ВМнинг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарори бўйича фаолият юритадиган истеъмолчилар (кераклиги ёзилган)

Йил, яами	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
Январ	45000				
Феврал	45000				
Март	45000				

